

08/10/96  
Н.Д.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАТИ АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

4  
✓3560  
Кулёзма хукукнда

УМУРЗОКОВ Рафур

Гози инуснинг ижодийи тули

10.01.02 - Ҳозирги миллий адабиёт(узбек адабиёти)

- Филология фанлари номзоди илмий даражасини

олиш учун тақдим этилган диссертация

Илмий раҳбар:

Ўзбекистонда хизмат куроатган  
фан арбоби, Баруний номидаги  
Республика мукофоти сохиби,  
филология фанлари доктори,  
профессор Наим КАРИМОВ

РНТВ ГОНТИ

Тошкент - 1996

## КИРИШ

Тадқиқот маузуининг долзарбилиги. Чорак кам бир аср мобайнида юртимизда хукм сурган мустабид тузум булутлари тарқалиб, әрк қуёши үз нурларини соча бошлагач, халқимизнинг айникоа шу даврда кечган тарихини, хусусан адабиётимиз тарихини қайта урганиш, сталинча қирғин йилларининг курбони булған ёзувчилар ижодини тадқиқ этиш ва уларнинг адабиётимиз тарихидаги ўринини тиклаш вазифаси бирламчи аҳамият касб этди.

Шу нарса кувончлики, бу вазифанинг тарихий давр талаби дарежасига кутарилишини сезган айрим адабиётшунослар қайта куриш йилларида ёқ 20-йиллар ўзбек адабиёти ва унинг А.Қодирий, Фитрат, Чулпон, Ҳамза, Әлбак, Боту сингари намояндалари ижодига янгича қарашлар асосида назар ташлай бошлаган әдилар. Лекин, уларнинг аксар тадқиқотлари совет мағкураси хукмрон йилларда ёзилғанлиги себабли рисола ва мәқолалардаги айрим ўринларга ойдинлик киритиш ё уларни таҳрир килишта әхтиёж кундан-кунга сезилиб бормокда. Шунга қарамай, қайта куриш даврида сошланган XX аср ўзбек адабиёти тарихини ҳақконий ва яхлит адабий жараён сифатида урганиш үз самараларини берди ва ҳозир ҳам бермокда. Шу пайтгача юзига кора бўёқ суртиб келингән адабиётимиз намояндалари ҳакида ҳакикатни айтиш имконияти пайдо бўлиши билан улар ҳаёти, ижоди ва фаолияти хусусида рисола<sup>1</sup> ва тадқиқотлар<sup>2</sup> вуждудга келди.

---

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Чулпон. -Т., 1991; Каримов Н. Чулпон. -Т., 1991; Каримов Н. Усмон Носир. -Т., 1993; Каримов Н. Усмон Носирнинг сўнгти кунлари. -Т., 1993; Кўшлонов М. Қодирий – эрксизлик курбони. -Т., 1992; Шарафиддинов О. Мустафо Чуқай, Чулпон, Отажон Ҳошим. -Т., 1993; Алиев А. Фитрат (ҳаёти ва ижодий фаолияти). -Т., 1991; Болтабоев Ҳ. Фитрат. -Т., 1992; "Фидомилар" мәқолалар туплами. -Т., 1990 ва бошкалар.

<sup>2</sup> Эшонова З. Чулпон шеъриятининг роявий-бадиий хусусиятла-

И.Султонов, М.Күшконов, С.Мамажонов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Қосимов, А.Алиев, Э.Каримов, Н.Владимирова, И.Рафуров, Ш.Турдиев, С.Ахмедов, Б.Дустқораев каби олимлар томонидан үнлаб әзтиборга молик мақолалар әълон қилинди ва әълон килинмокда.

20-йиллар адабий-ижтимоий мухитини уч-түрттө ижодкорнинг хаёти ва ижодий фаолиятини тадқиқ этиш билан, албатта, тулалигича тасаввур әтиб булмайди. Бунинг учун эса улар билан ёнма-ён фаолият курсатган, бир булоқдан сув ичиб, бир хаводан нағас олган бошқа ёзувчилар ижодиётини ҳам ўрганиш, тадқиқ этиш лозим. Бу, уз навбатида, уша ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, хусусан, адабий хаёт манзараларини ойдинлантиришга ёрдам беради.

Биз тадқикотимиизга əсос қилиб олаётган ижод сохиби Абдулла Қодирий, Чулпон, Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, М.Суғизода, Элбек, Р.Зафарий билан бир каторда қалам тебораттан, 20-йилларнинг жонкулар журналистларидан бири, драматург, адабий жараённинг феол иштирокчisi Ғози Йнусдир.

Ғози Йнус 20-йиллардаги адабий-териҳий жараённинг кўзге кўринган вакили сифатида гавдаленади. Унинг адабий мероси ҳам катари. Номзодлик илмий даражаси учун ёзилган дисс.-Т., 1991; Куронов Д. Чулпоннинг "Кече ва кундуз" романидаги характерлар психологиями. Номзодлик илмий даражаси учун ёзилган дисс.-Т., 1992; Фаниев И. Фитратнинг териҳий фожеа яратиш маҳорати. Номзодлик илмий даражаси учун ёзилган дисс. -Т., 1992. Ёкубов И. Отажон Ҳошимнинг адабий-таниидий фаолияти. Номзодлик илмий даражаси учун ёзилган дисс. -Т., 1993; Султонов У. Чулпоннинг эстетик карашлари. Номзодлик илмий даражаси учун ёзилган дисс. -Т., 1993; Каримов Б. Вадуд Махмуднинг 20-йиллар тақиҷидчилигига тутган ўрни. Номзодлик илмий даражаси учун ёзилган дисс. -Т., 1995.

та ҳажмни ташкил этади. Шундай бўлса-да, унинг адабий-танқидий, маданий-маърифий, сиёсий-ижтимоий қарашлари, уз даври адабиёти тарихида колдирган излари деярлик ўрганилмаган ва шу боис у ҳалигача йирик илмий ишлар, ўкув қўлланма ва дастурларидан ўрин олмаган. Ҳолбуки, унинг ижодий фаолиятини ўрганимай туриб, 20-йиллар адабий қараёни манзараларини тула гавдалантириш, бу жараён кирралари, зиддиятлари ва мубҳам томонларини очиш мумкин эмас.

Мавзунинг ўрганилиш тарихи. Фози Юнуснинг ижодий фаолияти 20-йиллар тонгида ёк замондошлиари эътиборини тортган. Фитрат, Абдулла Қодирий, Чулпон, С.Айний, Хуршид, М.Ҳасан каби адиб ва мунаққидлар уз чиқишиларда Фози Юнус ижодининг маълум бир кирраларига фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтганлар<sup>1</sup>. Ишда мазкур адиб ва мунаққидларнинг Фози Юнус ижоди ҳакидаги фикр ва мулоҳазаларининг асосий йуналиши курсатиб ўтилади, лозим ўринларда улар билан бахсга ҳам киришилади. 20-йилларнинг охирларида бер-карорлашган мағкуравий сиёсат оқибатида Чулпон, А.Қодирий, Фитрат ва бошқалар қатори Фози Юнуснинг ижодий фаолияти ҳам факат сиёсий жиҳатдан бахоланиб, холис илмий таҳдил меъёрларидан узоклашилди. "Халқ душмани" ёрлиги Фози Юнуснинг номига ёпиширилгандан кейин әса узок йиллар унинг ҳаёти ёки ижоди ҳакида бир-

<sup>1</sup> Хуршид. Шахсият қурбонининг таҳаллуси.-"Иштирокиён", 1919, 27 сентябрь; Хуршид. "Захҳоки мОрон".- "Иштирокиён", 1919, 4 октябрь; Мусоғир. "Захҳоки морон" муносабати ила. - "Иштирокиён", 1919, 17 октябрь; Фитрат. "Захҳоки морон" муносабатида .- "Иштирокиён", 1919, 23 октябрь; Чулпон. "Чин севиш". - "Иштирокиён", 1920, 25 ноябрь; Жулқунбай. "Муштум"(төнкид).- "Қизил Ўзбекистон", 1925, 7 август; А.Воҳирий. Төнкид ҳам унга қавоблар ҳакида бир неча суз.-"Фаргона", 1925, 15 октябрь; Мухаммад Ҳасан. Фози Юнуснинг баъзи "табдидот" ва "тадбикот"лари. - "Қизил Ўзбекистон", 1928, 30 март ва бошқалар.

иikki оғиз бўлса-да, сўз айтиш имкони бўлмади. Факат 60-йилларнинг охирилариғе келибгина М.Худойкулов "Муштум" журналининг дастлабки йиллери устида мушоҳада юритиш асносида Рози Юнуснинг хам хизматларини жуда қиска, ҳатто муж мал бир тарзда айтиб ўтди<sup>1</sup>. Кейинчалик хам адабиётимиз тарихи ҳакида сўз айтилар экан, Рози Юнуснинг 20-30-йиллар адабий жараёнида тутган ўрни хусусида қичкача тұхталиб утилди ёки ижодининг маълум бир қирраларигагина эътибор каретилди. Факат 80-йилларга келиб, Рози Юнус хаёти ва ижодий фаолияти ҳакида умумий тасаввур берувчи маколалар<sup>2</sup> пайдо бўлди.

Адибнинг ижодий фаолиятига бағишиланган мазкур ишларга суннилган ҳолда мавзунинг адабиётшунослик назаридан четда колиб келаеттган нұкталарини ёритишга диссертацияда кенг ўрин берилади. Бир томондан, адабиётшуносликда Р.Юнус ижодий фаолиятига бағишиланган мажсуса тадқикотнинг йуқлиги, иккинчи томондан, адебининг илк ижодига ва хаётининг сүнгги йилларига тегишли маълумотларнинг камчилиги туғайли ишда айrim нұкоон ва зиддиятли ўринларнинг булиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Рози Юнус 1887 йили Тошкент шаҳрининг Оҳангузар маҳалласида бинокор уста оиласида дунёга келган. Ота-онаси ўз даврининг саводли кишиларидан бўлган. Отаси Юнус ака Мухаммад ўғли рус ти-

<sup>1</sup> Худойкулов М. Ўзбек сатирик журналистикасининг вуждига келиши ва ривожланишида "Муштум" журналининг роли (1923-32 йиллар). Номзодлик илмий даражаси учун ёзил. дисс. -Т., 1968; Кулгуни курол килиб. -"Шарқ юлдузи", 1971, № 5; "Муштум" 50 ёнда. -Т., 1973.

<sup>2</sup> Аҳмадов С. Рози Юнус. -"Гулистон", 1989, № 9; Жураев К. Рози Юнус. - "Ўзбек тили ва адабиёти", 1990, № 1; Алиев А. Рози Юнус ҳакида сўз. - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1990, 25 май; Алиев А. Хурлик курган буюклар. - "Еш ленинчи", 1991, 4 май.

лини яхши билганилигидан рус мәхәллаларидә үстәчилик қилған, рус инженерлари билан биргаликда Тошкент шаҳридаги йирик саноат ишоотларини қуришда қатнашған. Күпинча, "ёрдамчи" деб, үзи билән бергә олиб юрадиган үгли Ғозига руслар билан ишләшлик үз таъсирини үтказған, зекні үткір Ғози рус тилини яхши үзлаштириб олғанлиги ва ҳа, деб мәхәлла-куйда русча сұзлайверганидан "Ғози Үрус" деген ләкаб ҳам ортирган.

Ойледа түрт үғил фәрзанд булиб, ота-она уларнинг ҳаммаси-ни хатли-саводли килишга иштилишған. Адибнинг онаси Зулфия ая үйда мактаб очиб, хотин-қизларни үқитған.

Ғози Юнус дастлабки маълумотни өски мактабда олади. Үсмирдаты зекні ва илмігэ чанқоқлик Барокхон мадрасасы томон етаклайди. Бу пайтда Ғози Юнус 15 ёшда әди.

Ғози Юнус мадрасада диний таълим олиш билан бергә форс, араб, турк тилларини ҳам мукаммел әгаллейди. Барокхон мадрасасындағи 10 йиллик таълим унинг дунёкарашыга катта таъсир үтказади. Бу ерда у Оллохни, Исломни, Пейгамбарни танийди. Цин ахкомларини үргениб, уламо булиб этишади. Мадрасаны тугатиш арафасыда унга "мүлла" унвони берилади. Советлар жамиятининг муллаларға каршилигини сезгүнга қадар "мүлла" сүзининг "Ғози Юнус" исми-дан олдин ёзиб келиниши ҳам шундан. Мадрасаны тугатғач әса, унга шу даргохда мударрислик килишни таклиф этишади. Лекин, ү бунтаға рози бүлмасдан, олдинги касби-устачиликка қайтади. Унинг шарғым касбни рад әтиб, яна оддий ҳунармандлыкка қайтиши бир оз таажжуб үйғотади, албатта. Бунинг үзиге хос сабаблари бүлса керак. Биз буни шундай изохладик: Ғози Юнуснинг қалбига мадрасада үкиб юрган кезларидәң босмахона очиш иштиёқи түшгән. Шунинг учун унинг мударрисликтан воз кечиб, устачилик килишдан муроди

боомахона очиш учун мөдлий тайёргарлик күриш, оз бўлса-да, маблағ ортириш булган. Дарвоҳе, у орадан бир-бир ярим йил ўтиб-ут-масдан, Болтиқбўйи мамлакатларига сафарга отланган. Ният - боомахона учун қаракли асбоб-ускуналарни олиб келиш. У 1914-1915 йилларда укаси Файзибой ва икки савдоғар дўсти билан Петербургте, Латвия, Литва, Эстония, Финляндия кеби мамлакатларга сафарга чикади. Афсуски, биринчи жаҳон урушининг бошланиши билан мазкур ўлкаларда қимматчилик авж олганлиги сабабли улар зарур асбоб-ускуналарнинг маълум бир қисминигина олиб қайтишади. Шундан кейин Гози Юнуснинг адабий жараёнга қизикиши янада кучаяди. Вактли метбугот билан мунтазам ревиша танишиб боради, татар, озарбайжон тилларини үрганиб, уша тилларда нашр этилган газета ва журналларни мунтазам ўқиб боради, улардан таржималар ҳам килади.

1915 йилда Гози Юнус "Бахтсиз куёв" спектаклидаги роллардан бирини ижро этади. Бу унинг саҳнадаги биринчи роли эди. Шундан кейин у саҳнада бир қатор ўзига хос образлар яратади. Ўзи ёзган "Заххоки мороя" пьесасида Заххокнинг отаси - адолатпеша Темиртош ролини ижро этади. Кейинчалик Наби Раниевнинг "Иигит" номли филмида эса бой килим образини яратади. У санъаткор сифатида яна дутор ва танбурда ҳам яхши куйлар ижро этган.

1916 йилги мардикорликка олиш воқеалари Гози Юнусни яна Болтиқбўйи ўлкаларига боришига мажбур қиласди, у ерда рус тилини яхши билганлигидан ротада юзбоши - "сотник" булиб хизмат қиласди. Шундай булса-да, шароитнинг оғирлиги оқибетида у мардикорчиликдан ногирон булиб қайтади.

Халқ учун хизмат қилиш истегида булган Гози Юнус тинимсиз изланади. Бар имкониятини миллатининг муҳтоҷларига, оқизларига,

илмоизларига ёрдам беришга сарфлайди. Шу харакатларнинг натижаси улароқ, инқилоб арефасида Эшонгузар махалласида "Очларга ёрдам күмитаси" вуждуга келади. У шу күмитада саркотиб булиб фолият кўрсатади ва шу күмитада ишлаб юриб, тухмат билан қамалади. У турма хаёти билан "танишиши" натижасида вуждуга келган "Турма хотираси ёхуд Ҳаксиалик касофати" асарининг сўзбошисида ёзишича, "1917 йил 23 ноябрда Хоназар донослари (чекимчи, тумбатчилари - У.Р.) хамда уезд советининг адолатоиз хиблакорлиги туфайли Тошкент хибсонасининг гамхоналарида бир оз умр кечиришига" тўғри келади. Лекин, кайта текширишлар натижасида ҳакиқат юзага чиккач, хибсдан озод булади.

Дастлаб театр саҳналарида ва вактли метбуотда бир-икки кўринис юрган Гози Юнус инқилобдан кейин бутун куч-куватини маърифатни юксалтиришга, ҳалқ онгини оширишга сарфлайди. Шу йулда 1914-1915 йилларда амалга ошмай колган иятини рӯёбга чиқарди: у Эски Жувадаги ҳозирги кунга кадар ҳам ишлаб турган босмахонага есос солади. Метбуот ишларига кеттиқ шўнгийди, газета-журналлар ташкил этади, театр труплари учун пьесалар ёзади.

Совет ҳукуматининг миллий сиёсатига дастлаб Карши бўлган Гози Юнус аста-секин унинг вайдаларига ишонис боради. Шу билан дунёкарашида зиддиятли томонлар пайдо булади. 1918 йилда биринчилардан булиб, коммунистик фирмага аъзо булиб киради. У фирмага аъзо бўлмасидан сал олдинроқ эса "Ишчилар дунёси" журналида Октябрь инқилоби ҳакида гепира туриб, шундай ёзган эди: "...хурриятдан мусулмонлар ва биз, мусулмон ишчилари, бир тийинлик фойда кўрмадимиз. Бильзакс, Николай замонасидан ҳам баттар кунин утказиб турибдирмиз. Ҳеч вакт биз, мусулмонлар, буни ҳуррият, дея олмаймиз".

Совет ҳокимиятининг ваъдаларига ишонган Фози Йнус ижтимоий ҳаётдаги адолатсизлик ва ножакликларниң сабабини бошқа ердан кидиради, у энди факат маърифат таркатувчи эмас, балки совет сиёсатининг тарғиботчиси булиб ҳам фаолият куроатади.

Фози Йнус ҳакгүй, адолатпэрвар, маърифатпарвар булиши билан бирга анча соддадил киши ҳам эди. Унинг бу табиати ёзган асарларида ҳам аён кўриниб туради. У ҳеч кимдан сир сакламас, коттага катта, кичикка кичик булиб муоммала қиласар, ҳазилга ҳазил, жиддийга жиддий қилиб жавоб қайтарар, табиатан дилида бирорвга гараз сакламайдиган, ёмонлик ўйламайдиган, ишонувчан одам бўлган. Шу билан бирга у бирорда камчилик кўрса, руй-рост юзига айтган.

Фози Йнусининг угли Тулкин ака бизга адабининг табиатига даролает қиладиган айрим воқеаларни сузлаб берди. Фози Йнус шахсини танишда ёрдам беради, деган умида узвринг беъзи бирларини куидида келтириб ўтамиш.

Кунларнинг бирида адаб угли, яъни Тулкин ака Фозиев билан бирга Давлет Нашриётига боради. Ўглини эшик олдида қолдириб, узи ичкарига кириб кетади. Тулкин ака болаларга хос жизикиш билан у ер-бу ерда ётган қоғозларни титкилай бошлияди. Тусагдан газетага уралган пулни топиб олади. Отаси қайтиб чиқканда, пулни беради. Фози Йнус булса, пулни газетасига ураб, жойига қайтариб қўяди ва "эгаси келиб, албатта, пулни олади", дейди-да, ўрли билан хотиржам ортларига қайтишади.

Тулкин ақенинг хотираларидаги Фози Йнусга алоқадор маълумотлардан яна бири шуки, Абдулла Қодирий, Чулпон, Санжар Сиддик, Фози Йнус туртгаласи "ҳамтовор" булишган экан. Улар тез-тез учрашиб, алабий, ижтимоий, сиёсий массалалар хусусида сухбатлар ку-

## II

ришган. Уларнинг факат ўзларигагина маълум бўлган лақаблари бўлган. Фози Ўнуснинг лақаби – "Мулда" ("мулла" сўзининг бузилган шакли), яъни бир пайтлар "мулла" номи билан танилган Фози Ўнуснинг эндиликда коммунист булиб кетганига ишора ёки киноя; Абдулла Кодирийники – "Муноғик", бунинг сабаби ҳеч качон намозини тарк кильмасдан, куч-кўйда юрган пайтиде ҳам ибодат вақти булиб колса, пана-пасткамда намозини адо қилиб олиши (мусулмончиликни Коийим қилиши) ва шу билан бирга коммунистларга (тўғрироғи, дахрийларга) хизмат қилиши; Чулпонники эса на жинни ва на соғ деган маънодати "Дебона" сўзи бўлган ёкан; Санжар Сидик уларнинг ёш жиҳатдан энг кичиги булиб, зекни утқир, хотираси кучлилиги себебидан бирон маълумот хусусида иккиланиш пайдо бўлганда, унга муражаат қилишган. Шу боисдан уни "Қомус" деб атёшган.

Фози Ўнус ижодий фаслиятининг салмоқли қисмини матбуот ишлари ташкил этади. У "Ишчилар дунёси", "Муштум", "Зарабшон" каби журнал ва газеталарнинг ташкил этилишида фвол иштирок қилган. Доимий равишда матбуот органларидаги масъул вазифаларнинг бирда банд бўлган. Унинг хизматлари 1921 йилдаёқ хукумет томониден муносиб тақдирланган – "Мехнат ва матбуот қаҳрамони" деган узвонга сазовор бўлган.

Бошқа ижодкорларда бўлгани каби Фози Ўнус боши устида ҳам шуролар булути тоҳ соя солиб, тоҳ ариб турган. У қандайдир сабаблар билан 1924 йилда шартия сағилан чиқарилган. Абдулла Кодирий билан "Муштум" журнали устидаги тортишувларидан кейин дастлаб мухаррирликдан, кейинчалик бутунлай журналдан четлаштирилган. Бошқа жойлардан ҳам сикувга олина бошлаган. Чунки уша тортишув-мунозаралардан кейин Марказқўмнинг нашри афкори бўлмиш "Кизил Ўзбекистон" газетасининг идораси Фози Ўнусга бутунлай кар-

ши чиккан. "Кизил Ўзбекистон" газетасининг 1928 йил 30 март сониде "М.Ҳасан" имзоси остида "Рози Юнуснинг баязи "табдидот" ва "тадбикот"лари ҳакида" деган унинг иходини кораловчи мақола босилган.

1937 йилга келиб, 20 ёшта тўлган, оёқка туриб, куч-куватга энгай Совет хукумати ўзининг ҳакикий башарасини намоён килади, кўплар катори Рози Юнус ҳам шу йилнинг 6 августида ҳисбга олинади. Ҳеч қанча утмай, бутун оила аъзолари ҳамда яқинлари камалади. Оила аъзолари бир мунча муддат қамоқда ёттач, озод этилса-да, кўп йиллар совет давлатининг "кора рўйхати"да туради, таъкибларга учрайди. Адиснинг ўзи бўлса, то умрининг охиригача бутун орзу-умидлари-ю армонлари билан панжара орқасида қолди.

Рози Юнус 1942 йилнинг 5 майида Вологда вилоятининг оиёсий маҳбуслар лагерида вефот этади.

Ривоятларда накл этилишича, Мусо алайхиссалом ўз қавмини Фиръавн зулмидан озод этгандан сунг қалбларига қуллик табиати онгиб кетган авлод Утиб кетиши учун, гарчи озодликка чиккан булсалар-да, хур, эркин миллат барпо қилиш ниятида уларни кирқ йил саҳрода адаштириб юради. Шундан кейингина янги авлод билан, конида қулликнинг катралари колмаган авлод билан янги жамиятни барпо қиласди. Совет давлатининг бўлса, мустабид тузумни барпо этиш учун ҳурриятталаб инсонларнинг Утиб кетишини кирқ йил кутишга сабри етмади. Ҳалқка кирғин келтирган 1937 йил СССРда социализм тўла ғалаба қозонган йил бўлиб қолди.

Рози Юнус хаётига оид маълумотларни ҳозирча шулер билан тутгатамиз. Унинг шахсига оид яна баязи бир маълумотлэр, воқеа-ҳодисалар ва фикр-мулоҳазаларимиз иходининг тадқики жареёнида ўз ўрни билан беён этилади.

Таджикотнинг мақсад ва вазифалари. Асримизнинг дастлабки чорагида вуждуга келган адабий-тарихий жараён узининг ранг-ранглиги, ижодкорлар фаолиятининг серкирралиги, халқ онги ва маърифатини юксалтириш йўлида ташланган қадамларнинг дадиллиги, илдамлиги билан ахвалиб туради. Лекин, маърифатпарварлик, таракқиёт ва озоңлик йўлида ташланган дастлабки қадамлар мустабид совет тузуми ва унинг мағкурасига мос келмас эди. Шу сабабдан "совет маърифатчилиги"га ҳамоҳанг бўлмаган адабий мөросимиздан бутунлай юз үгирилди, урганилмади. Жуде кўп истиклол фидойилари ва маърифатпарварларнинг маданий мөросига дастлаб пролет-культчилик ва рапчилик, кейинчалик эса социалистик реализм мардаридан туриб ёндошилди. Шу сабабларга кура, Фози Юнуснинг ҳам ижодий фаолиятини ўрганиш адабиётшунослар назаридан четге суриб кўйилди.

Лекин бугунти кундя унинг адабий мөросини ўрганиш, у жакда маҳсус таджиклар олиб бориш айни вазифаларимиздан бири бўлиб туриди.

Мазкур ишдан кўзланган мақсад 20-йиллар матбуоти ва бошқа бирламчи манбалар асосида Фози Юнуснинг ижодий йўлини монографик тарзда ёритиш, ёзувчининг адабий-танқидий, маданий-маърифий, сиёсий-ижтимоий воқеаликка бўлган муносабатини очиб бериш ва бу билан унинг 20-йиллар адабиёти тарихида тутган урнини белгилаш ҳамда халқ онги ва маърифатини ошириш, миллӣ матбуот ва маданиятни қарор топтириш йўлида қилған хизматларига холисона баҳо беришdir.

Илмий ишнинг таджикот доираси кўйидаги вазифаларни уз ичи-га олади:

– ёзувчининг таржимиҳои холи ва дастлабки ижодига оид маълу-

мотлери бир тизимга тушириш оркали унинг хаётий ва ижодий йулини тиклаш;

– адабий-тарихий мухитнинг ёзувчи ижоди ва дунёкарашига таъсирини аниклаш;

– журналист адибнинг 20-йиллар матбуотида тутган ўринни белгилаш;

– адаб бадиий ижодининг кирраларига эътиборни қаратиш ва энг мухим асарларини таҳлил этиш;

– адибнинг узбек драматургияси ва театрининг шаклениши ҳамда ривожланишидаги хизматларини курасатиш;

– адаб ижодини атрофичча таҳлил этиш оркали унинг 20-30-йиллар узбек адабиётидаги узига хос ўринни аниклаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. 20-йиллар адабий жараёни ҳақида бир катор адабиётшуносларимиз томонидан салмоқли ишлар амалга оширилган. Уларнинг базз и бирлерида Рози Юнуснинг шу давр адабий хаётидаги ўрии хусусида қискача тухталиб ўтилган, айримларида эса номини тилга олиш билангина кифояланилган. Шу билан бирга сўнгги йилларда Рози Юнус хаёти ва ижодининг умумий тавсифини берувчи маколалар ҳам чоп этилган. Лекин, ушбу иш муаллифи адабиётшуносликда биринчи марта Рози Юнус ижодий йулини монографик тарзда урганишга қўл урди. Диссертацияда шу пайтгача амалга оширилган ишларга суюнилган ҳолда Рози Юнус ижоди яхлит илмий тадқиқот обьектига айлантирилиб, янгича талқин ва таҳлилдан утказилди. Унинг журналистик фаолияти ҳам диссертант томонидан илк бор илмий таҳлил доирасига тортилди. Шунингдек, ёзувчининг 20-30-йиллар адабий жараёнида тутган ўрии, узбек миллий драматургияси, театри ва театршунослигининг шакленишидаги хизматлари илк бор тадқиқ этилди, қаламкаш замондошлиари билан

бўлган ўзаро алоқалари ва мунозараларига янгича бахо берилди.

Диссертация Рози Ўнус хақидаги биринчи маҳсус тадқиқот бўлганилиги учун ижодкорнинг таржимаси ҳоли хақида ҳам қисқача тұхтаб утилди.

Тадқиқотнинг илмий ва әмоний аҳамияти. Тадқиқот 20-йиллар адабий-жараёнининг маълум бир кирраларини, хусусан, Рози Ўнус номи билан бизга таниш бўлган шахснинг ижодий йўлини, унинг журналист, ёзувчи, драматург, театр арбоби ва театршунос сифатидаги хизматларини илк бор мукаммал очиб берилганлиги ҳамда унинг XX аср ўзбек адабиёти тарихидаги қонуний үрнини кўроатиб берганлиги билан аҳамиятлидир.

Ундаги маълумотлар ва илмий хулосалардан олий ўкув юртларининг филология ва журналистика факультетлари учун XX аср ўзбек адабиёти тархи, миллӣ журналистиканинг босиб утган йўлини курсатишга қартилган даролик ва қўлланмаларни тузишида, шунингдек педагогика институтлари ва дорилғунунларининг филология ҳамда журналистика факультетларida шу фанлар буйича ўқиладиган умумий курсларда, бундан ташкири, ўзбек драматургияси ва журналистикасининг шаклланишига оид маҳсусо курсларда фойдаланиш мумкин.

Диссертация совет даврининг дастрлабки йилларида адабий жараёнда рўй берган воқеаларни янгича талқиндан утказиши билан ҳам аҳамият кесб этади.

Тадқиқот XX аср ўзбек халқининг миллӣ эстетик тафаккури ва миллӣ театrimизнинг шаклланишини ўрганиши жihatдан санъатшunos ва тарихчи мутахассислар учун ҳам муайян аҳамиятга моликдир.

Диссертациянинг корийланиши. Жумхурият газета ва журналларда тадқиқот мавзуи юзасидан бир неча маколалар эълон Қилинган, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий но-

мидаги Адабиёт институтида булис үтгән ёш олимлар аңынавий ил-  
мий конференциясида (1994 йил, май) маъруза килинган. Тадқикот  
мавзуи юзасидан бажарилган ишлар рўйхати ишга илова этилган.

Тадқикотнинг курилиш тартиби. Диссертация кириш, уч боб,  
хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.